ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil «24» sentabr № 601 Toshkent sh.

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий ташкилотларнинг тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6159-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПҚ–4975-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6159-сон Фармонига 4-иловада кўрсатилган илмий-тадқиқот институтлари ҳамда улар тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг (кейинги ўринларда – илмий-тадқиқот ташкилотлари) бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПҚ–4975-сон қарорига мувофиқ илмий-тадқиқот ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатларини 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирликлар ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.



Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги қуйидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тузилмалари, жумладан:

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 4-иловага мувофиқ;

**Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 5-иловага мувофиқ;

**Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 6-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 7-иловага мувофиқ;

**Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 8-иловага мувофиқ;

**Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 9-иловага мувофиқ;

**Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 10-иловага мувофиқ;

**Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар меъёрлаш-тадқиқот марказларининг намунавий тузилмалари** 11 ва 11а-иловаларга мувофиқ;

**Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг (Қорақалпоғистон Республикаси) тузилмаси** 12-иловага мувофиқ;

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси** 13-иловага мувофиқ;

**Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонасининг тузилмаси** 14-иловага мувофиқ;

**Илмий-тадқиқот институтлари илмий-тажриба станцияларининг намунавий тузилмаси** 15-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.



3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 16-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
1-илова

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ




**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони **50 нафар** (илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
2-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ




**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***31 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
3-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Сабзавот, полиз ва картошка экинлари генбанки* — 1
    - Сабзавот экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Полиз экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Картошка генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Ноанъанавий экинлар селекцияси ва интродукцияси лабораторияси* — 1
    - Ўсимликларни касаллик, зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва фитопатология лабораторияси* — 1
    - Органик деҳқончилик лабораторияси* — 1
    - Иссиқхонада сабзавот, полиз экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Иссиқхона агротехнологияси лабораторияси* — 1
    - Сабзавот-полиз экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги лабораторияси* — 1
    - Сабзавот, полиз ва картошка экинлари агротехнологияси ва механизацияси лабораторияси* — 1
    - Биотехнология лабораторияси (in-vitro)* — 1
    - Маҳсулотларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологиялари лабораторияси* — 1
    - Агрокимё ва ўсимликлар физиологияси лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Илмий кадрларни тайёрлаш бўйича бош мутахассис* — 1
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Ахборот-ресурс бўлими* — 3
  - Директорнинг ишлаб чиқариш ва умумий ишлар бўйича ўринбосари*
    - Илмий ишлаб чиқариш бўлими*** — 3
    - Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 3
    - Ёрдамчи ходимлар**
    - 6 та ҳудудий илмий-тажриба станциялари*
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Девонхона* — 1
  - Ўзбекистон-Венгрия картошкачилик илмий маркази***

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони **36 нафар** (илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг**

# ТУЗИЛМАСИ




***Изоҳ.*** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***37 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг**

# ТУЗИЛМАСИ




***Изоҳ.*** *Ходимларнинг умумий чекланган сони **36 нафар** (илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
6-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Шоли генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Уруғчилик ва уруғшунослик лабораторияси* — 1
    - Шоли етиштириш агротехнологияси ва механизацияси лабораторияси* — 1
    - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси лабораторияси* — 1
    - Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва фитопологияси лабораторияси* — 1
    - Дуккакли дон экинлар селекцияси ва етиштириш агротехникаси лабораторияси* — 1
    - Умумий таҳлиллар лабораторияси* — 1
    - Экология ва атроф муҳит ҳимояси лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Илмий кадрларни тайёрлаш бўйича бош мутахассис* — 1
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Етакчи патентшунос* — 1
    - Ахборот-ресурс бўлими* — 2
  - Директорнинг ишлаб чиқариш ва умумий масалалар бўйича ўринбосари*
    - Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 2
    - Ёрдамчи ходимлар **
    - Илмий-тажриба участкаси***
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Девонхона* — 1
  - Хоразм вилояти филиали*

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***26 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
7-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий-кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Ғўза селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги лабораторияси* — 1
    - Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш лабораторияси* — 1
    - Дон, дуккакли, мойли экинлар селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Беда ва ем-хашак экинлари селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Қишлоқ хўжалигини механизациялаш лабораторияси* — 1
    - Ирригация ва мелиорация лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Ахборот–ресурс бўлими* — 2
    - Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 2
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Девонхона* — 1
  - Ёрдамчи ходимлар**
  - Илмий-тажриба хўжалиги***

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***22 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
8-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Тупроқ генезиси, географияси, картографияси ва мониторинги бўлими* — 1
    - Тупроқ мелиорацияси ва биоэкология бўлими* — 1
    - Тупроқлар унумдорлигини бошқариш ва баҳолаш бўлими* — 1
    - Тупроқлар физикаси ва технологияси бўлими* — 1
    - Тупроқлар биогеокимёси ва минерологияси бўлими* — 1
    - Агрокимё бўлими* — 1
    - Тупроқ географик ахборот тизимлари ва педометрика бўлими* — 1
    - Органик деҳқончилик асослари бўлими* — 1
    - Аналитик синов лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Илмий кадрларни тайёрлаш бўйича бош мутахассис* — 1
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Ахборот-ресурс бўлими* — 2
    - Етакчи патентшунос* — 1
    - Тупроқ музейи* — 1
    - “Тупроқшунослик ва агрокимё” илмий журнали*** — 2
  - Директорнинг ишлаб чиқариш ва умумий ишлар бўйича ўринбосари*
    - Илмий ишлаб чиқариш бўлими*** — 3
    - Ёрдамчи ходимлар**
    - Инновацион технопарк*** — 5
    - “Тупроқ клиникаси маркази”*** — 6
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Махсус бўлим* — 1
  - Девонхона* — 1

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***43 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
9-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Бошоқли дон экинлар генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Дуккакли дон экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Мойли ва ноанъанавий экинлар генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Ем-хашак ва озиқа экинлари генетикаси ва селекцияси лабораторияси* — 1
    - Фитотрон ва геном технологиялари лабораторияси* — 1
    - Ўсимликлар миллий генбанки, уруғчилик ва уруғшунослик лабораторияси* — 1
    - Ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси* — 1
    - Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси лабораторияси* — 1
    - Янги навлар агротехнологиялари лабораторияси* — 1
    - Органо-минерал ўғитлар ва агрокимёвий ялпи таҳлиллар лабораторияси* — 1
    - Алмашлаб экиш ва тупроққа ишлов бериш лабораторияси* — 1
    - Сув талаби ва суғориш технологиялари лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Илмий кадрларни тайёрлаш бўйича бош мутахассис* — 1
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Етакчи патентшунос* — 1
    - Ахборот-ресурс бўлими* — 2
    - Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 2
  - Директорнинг ишлаб чиқариш ва маркетинг ишлари бўйича ўринбосари*
    - Ёрдамчи ходимлар**
    - Илмий ишлаб чиқариш бўлими*** — 5
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Девонхона* — 1

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***35 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
10-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Юмшоқ буғдой генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Қаттиқ буғдой генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Арпа ва ем-хашак экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Дуккакли дон экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Мойли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва физиология лабораторияси* — 1
    - Биотехнология ва агрокимё лабораторияси* — 1
    - Агротехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Илмий кадрларни тайёрлаш бўйича бош мутахассис* — 1
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Ахборот–ресурс бўлими* — 2
  - Директорнинг ишлаб чиқариш ва умумий ишлар бўйича ўринбосари*
    - Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 3
    - Техник хизмат кўрсатиш бўлими*** — 3
    - Ёрдамчи ходимлар**
    - Бахмал илмий-тажриба станцияси*
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Девонхона* — 1

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***29 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
11-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг ТУЗИЛМАСИ

**Директор***

- Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
- Илмий кенгаш

**Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари***

- Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўлими* — 1
- Қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик масалалар бўлими* — 1
- Агробизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш бўлими* — 1
- Қишлоқ хўжалигида маркетинг ва логистика тизими ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўлими* — 1
- Аграр соҳада молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўлими* — 1
- Қишлоқ хўжалигида бандлик ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ҳамда қишлоқ худудларини ижтимоий ривожлантириш бўлими* — 1
- Қишлоқ хўжалигида меъёрлаш бўлими* — 1

**Илмий котиб***

- Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
- Ахборот-ресурс бўлими* — 2
- Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 2

**Директорга бевосита бўйсунувчи бўлинмалар**

- Илмий ходимларни тайёрлаш ва ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
- Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 2
- Бош юрисконсульт* — 1
- Махсус бўлим* — 1
- Девонхона* — 1
- Ёрдамчи ходимлар**
- 12 та худудий меъёрлаш марказлари*
- “Agroiqtisodiyot”илмий-амалий журнали***

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***22 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
11а-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар меъёрлаш-тадқиқот марказларининг**
**НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**




**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* **5 нафар** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
12-илова

## Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Дон ва шоли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг (Қорақалпоғистон Республикаси) ТУЗИЛМАСИ

- **Директор***
  - Директорнинг илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчиси*
  - Илмий кенгаш
  - Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари*
    - Бошоқли дон, шоли селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Бошоқли дон ва шоли етиштириш агротехникаси лабораторияси* — 1
    - Мойли экинлар селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси* — 1
    - Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё лабораторияси* — 1
    - Экология ва атроф муҳит лабораторияси* — 1
    - Суғориш ва мелиорация лабораторияси* — 1
  - Илмий котиб*
    - Халқаро алоқалар бўйича бош мутахассис* — 1
    - Етакчи патентшунос* — 1
    - Ахборот-ресурс бўлими* — 2
    - Илмий ишланмаларни жорий этиш ва маркетинг бўлими*** — 3
  - Директорнинг умумий ишлар бўйича ўринбосари*
    - Ёрдамчи ходимлари**
    - Илмий-тажриба участкаси***
  - Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис* — 1
  - Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими* — 3
  - Бош юрисконсульт* — 1
  - Девонхона* — 1

**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***24 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
13-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг**
**ТУЗИЛМАСИ**




**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***30 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тадқиқот институти бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
14-илова

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонасининг ТУЗИЛМАСИ




**Изоҳ**. *Ходимларнинг умумий чекланган сони **24 нафар**.*
** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бўлимлар ва раҳбарлар.*
*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
15-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари илмий-тажриба станцияларининг**
**НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**




**Изоҳ.** *Ходимларнинг умумий чекланган сони* ***10 нафар*** *(илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари).*

*Илмий-тажриба станцияси бажарадиган илмий-тадқиқот ишларининг ҳажмидан келиб чиқиб, илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун илмий ходимлар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.*

** Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган илмий лабораториялар (бўлим) ва раҳбарлар.*

*** Илмий ёрдамчи ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрларга асосан аниқланади.*

**** Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган бўлинмалар.*

ҚММБ: 09/21/601/0909-сон
25.09.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “24” сентябрдаги 601-сон қарорига
16-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 январдаги 45-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи – учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги “Фанлар академияси президентига” сўзлари “қишлоқ хўжалиги вазирига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 июлдаги 569-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи –учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1